

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 17 сентябрь, № 180 (6110) Чоршанба


ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

*16 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати ҳисобот даврида Олий Мажлиснинг иккала палатаси томонидан аввал тасдиқланган параметрларга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 17 январида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устуворликларига мувофиқ ижро этилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарамай, ҳукуматимиз биринчи ярим йилликда иқтисодиётнинг изчил ўсишини ва макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ҳажмлари ўсиши таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобот даврида профицит билан ижро этилди.

Олий Мажлис томонидан тасдиқланган 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури муваффақиятли бажарилмоқда. Жорий йил бошидан буён 506,4 мингта янги иш ўрни яратилди, улардан 303,2 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилди. Бунда ортиқча иш кучи мавжуд бўлган 32 та туман аҳолисининг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу ерда 74,7 мингта иш ўрни яратилди.

Сўзга чиққанлар алоҳида таъкидладиларки, Давлат бюджети ҳисобот даврида ижтимоий соҳага аниқ йўналтирилган ҳолда ижро этилди. Давлат бюджети харажатлари умумий ҳажмининг 60,8 фоизи ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилди. Бу эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 14,6 фоизни ташкил этади. Таълим тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштиришга, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга устувор аҳамият берилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий соҳага ажратилган барча харажатларнинг 22,7 фоизи соғлиқни сақлашни ривожлантиришга йўналтирилди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан маданият, спорт ва оммавий ахборот воситаларига ажратилган харажатлар 18,3 фоиз ошди, фанни ривожлантиришга сарфланган харажатлар эса 11,5 фоиз ортди.

"Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида оналик ва болалик муҳофаза қилинишини таъминлаш, таълим сифатини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш бўйича тадбирлар ўтказилиб, уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан 3,1 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

**Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари ўз Сайловолди дастурининг низомларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида ажратиб кўрсатдилар. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли йил бошидан буён Ўзбекистонда микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми ортди, бу эса, масалан, ягона солиқ тўловининг ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 26,2 фоиздан кўпроқ тушишига олиб келди. Буларнинг барчаси иқтисодиётнинг ушбу соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни давом эттиришнинг муҳимлигини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

## хорижий сармоядорларнинг иқтисодиётимизга қизиқишини тобора оширмоқда

*Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш бўйича белгилаб олинган устувор вазифаларнинг ижроси бевосита жалб этилаётган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Бироқ сармоя ўз-ўзидан келавермайди. У барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган, қисқача айтганда, инвестициявий жозибадорлик бўлган жойгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонимизда муҳайё қилинган бўлиб, бу истиқлол йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.*





ФАРМОН ВА ИЖРО

Дарҳақиқат, республикамизда инвестициялар оқими йил сайин кенгайиб бораяпти. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатимизни юксак суръатлар билан ривожлантириш, модернизация қилиш ва кенг кўламли ислоҳотларни жорий этиш мақсадида иқтисодиётимизда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 180 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бунинг 60 миллиард доллардан зиёди хорижий сармоялардир.

Қувонарли жиҳати шундаки, бундай сармоялар мамлакатимизнинг марказий ҳудудларидан ташқари, олис минтақаларига ҳам йўналтирилмоқда. Чунки юртимизнинг барча ҳудудида чет эллик сармоядорлар учун халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган қулай шарт-шароит, жозибадор инвестициявий муҳит яратилган. Шундай минтақалардан бири Фарғона вилоятидир. Шу боис қадимдан тадбиркору ҳунармандлар макони бўлган "Водий гавҳари"га хорижликларнинг қизиқиши тобора ортиб бораяпти. 2013 — 2014 йилларда Фарғона, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида халқаро бизнес-форумлар ташкил қилингани, уларда Бельгия, Германия, Польша, Буюк Британия, Сингапур, Хитой, Япония каби дунёнинг 20 дан ортиқ давлатларидан 100 дан зиёд компания вакиллари иштирок этгани, пировардида кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар имзолангани бунинг тасдиғидир.

2013 йилда хорижий инвестициялар иштирокида 11, шу йилнинг 8 ойида эса 16 та корхона ишга туширилди. Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 3-бетда).

# САЙЛОВЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИ, ОШКОРАЛИГИ ВА ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

*Самарқандда "Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш борасида очиқлик, ошкораликни таъминлаш, қонунийликка риоя этиш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

САЙЛОВ – 2014

Конференцияда Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси, ЕХҲТ вакиллари, Франция, Испания, Италия, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Марказий ҳамда вилоят сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари, сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан, сайлов тизимида кенг кўламли демократик ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ стандартларига жавоб берадиган миллий сайлов тизими шакллантирилди.

**ЕХҲТ лойиҳаларининг Ўзбекистондаги координатори Дьердь Сабо**нинг таъкидлашича, сайловлар демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлади, қисқа вақт ичида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Конституциямизда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, халқ ҳокимияти принциплари, барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига сайловлар, сиёсий ва ижтимоий плюрализм, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга мувофиқ мамлакатимизда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилиниб, амалда самарали қўлланилмоқда.

Сайлов тизимини ривожлантиришнинг бугунги босқичи Президентимиз Ислом Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш билан узвий боғлиқ. Ушбу Концепцияда сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари, шубҳасиз, сайлов жараёнларини янада эркинлаштиришда муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМКОРЛИК

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги президенти Дае Пё Жунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирокида амалий тадбирлар ташкил этилмоқда.*

# Ўзаро алоқалар ривожланмоқда

Кеча ушбу ташриф доирасидаги навбатдаги тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ўтказилди. Давлат рақобат қўмитаси, унинг таркибий тузилма ташкилотлари, ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда икки томонлама имзоланиши мўлжалланган чора-тадбирлар режаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, ривожланган давлатлар қаторида, юртимизда ҳам истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 1996 йилда қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бунга яққол мисол бўла олади. Қўмита томонидан кенг жамоатчилик ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, шу жумладан, соҳадаги янгиликларга бағишланган семинарлар, брифинглар, давра суҳбатлари тизимли равишда уюштирилаётгани, ташқи реклама воситаларидан кенг фойдаланилаётгани туфайли аҳолининг истеъмолчилик маданияти тобора юксалиб бораётгани диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

# Янги корхона иш бошлади

*Хатирчи туманидаги "Хатирчи пилла хазинаси" хусусий корхонасига қарийб 95 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, бу ерда ипак толаси тайёрлаш йўлга қўйилди.*

ИНТИЛИШ

Аҳамиятли жиҳати, эндиликда мазкур корхонада сифат тизими махсус компьютер дастурлари асосида назорат қилиб борилади.

— Мамлакатимизда енгил саноат тармоқларини ривожлантириш борасида бир қатор истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти, — дейди корхона раҳбари Учқун Маманов. — Жумладан, биз ҳам 20 нафардан зиёд кишини доимий иш билан таъминлаганмиз. Жамоамиз аъзоларининг аксарияти Хатирчи енгил саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир. Улар 60-65 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга илғор ускуналарни моҳирлик билан бошқармоқда. Келгусида модернизациялаш тадбирларини давом эттириб, қўшимча иш ўринлари яратишни мақсад қилганмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда иқтисодий ночор корхоналарни қайта ташкил этиш ва молиявий соғломлаштириш учун қиймати**

**1,1 триллион сўмлик инвестициялар йўналтирилди.**

"Йўл хариталари"ни амалга ошириш доирасида бажарилган кенг кўламли ишлар натижасида бундай корхоналар бутунлай қайта тикланиб, кўплаб иш ўринлари яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳатто экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.






# Муаззам юртимиз гавҳари

Истиқлол йилларида Хоразм воҳасида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда мислсиз юксалишлар юз берди.

Бугун, айниқса, вилоятнинг ҳар бир шаҳару туманида, қишлоғию маҳалласида халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти яққол намоён бўлмоқда. Қурилиш ва ободонлаштириш борасида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари вилоят маркази — гўзал Урганч шаҳрини, таъбир жоиз бўлса, яшартириб юборди.

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фракция фермерлик ҳаракати вакилларининг манфаатларини ифода этган ва ҳимоя қилган ҳолда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида қишлоқ хўжалигини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, фермерлик ҳаракатини жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш давом эттирилганлигини қайд этди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланишга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Мелиоратив тадбирлар амалга оширилиши натижасида 295,6 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кузатилмоқда.

Фракция мажлис чоғида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик учун имкон қадар қулай шарт-шароитларни яратиб беришга доир тизимли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилишининг давом эттирилиши солиқ солиш базасининг кенгайтирилишига, Давлат бюджети даромад қисмининг жиддий тарзда ўсишига, тўлдирилишига олиб келиши, шунингдек, ички бозорни сифатли маҳсулот билан бойитиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили эканлиги ҳақида ўз нуқтаи назарини билдирди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси вакиллари** мамлакатимизда ижтимоий соҳага ажратилган харажатлар йил сайин ошиб бораётганлиги аҳолимиз фаровонлигининг изчил ошиб боришини таъминлаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Уларнинг фикрича, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари бўйича белгиланган режа 100,3 фоиз этиб бажарилди. Давлат бюджетини ижро этиш чоғида асосий эътибор ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, яъни таълимни, соғлиқни сақлашни, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлашга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар, шунингдек, бошқа биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилди. ЎзХДП фракцияси аъзолари Давлат бюджетида ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағлар улушининг оширилиши, шак-шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Бу ишлар Халқ демократик партияси дастури ва фаолиятининг устувор йўналишларига тўлиқ мувофиқ келади.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан сайланган депутатлар** жаҳон иқтисодиётида юз бераётган салбий жараёнларга қарамай, 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакатимизда ижобий таркибий силжишларга эришилганлигини, бу аҳолининг иш билан бандлиги ва даромадларининг ошишига кўмаклашганлигини ҳамда Давлат бюджетини профицит билан бажариш имконини берганлигини қайд этдилар. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, янги ташқи бозорларни фаол ўзлаштиришга доир чора-тадбирлар нафақат экспорт ҳажмларининг 8 фоиз ўсишини ҳамда ташқи товар айланмасининг 482,1 миллион долларлик ижобий сальдосига эришишни таъминлади, балки валюта тушумларининг кўпайишини, мамлакатимиз иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлаш имконини берди.

Шу билан бирга, ички талабни рағбатлантиришга ва миллий товар ишлаб чиқарувчилар ривожлантирилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир кўрилган чора-тадбирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 11 фоиз, чакана товар айланмаси ҳажмлари 13,7 фоиз ва хизматлар ҳажмлари 14,2 фоиз ўсишини таъминлади, бу эса ички бозорни ҳимоя қилишга ва мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.

Фракция аъзолари партия дастурий мақсадлари ва вазифаларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг товар ишлаб чиқарувчиларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш асосида маҳаллийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида янги миллий брендлар пайдо бўлишига кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар.

Бюджет маблағларини умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, спорт заллари ҳамда бошқа инфратузилма объектларини қуриш, қайта қуриш ва капитал таъмирлашга, уларни ўқув-лаборатория, ишлаб чиқариш, спорт асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, ўқув жиҳозлари ва бошқа анжомлар билан жиҳозлашга ажратиш масалалари **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг** диққат марказида бўлди.

Шунингдек, сўзга чиққан Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси вакиллари фан ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни молиялаштириш муҳимлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Уларнинг фикрича, ҳисобот даврида давлат илмий-техникавий дастурлари, инновация лойиҳаларининг устувор соҳаларини молиялаштиришга талай маблағлар йўналтирилди. Бундан ташқари, улар ҳукуматимиз касалликларнинг олдини олиш учун харажатларни молиялаштиришга катта эътибор бераётганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, депутатлар ўз сайлов округларида профилактика тадбирларига йўналтирилаётган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини қатъийроқ назорат қилмоқчи эканликларини билдирдилар.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари** талай маблағлар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга, сув ва ер ресурсларини асрашга, тозалаш иншоотларини барпо этиш ва қайта қуришга ажратилганлигини қайд этдилар. Шунингдек, ҳукумат томонидан ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, биохилма-хилликни ҳимоя қилиш, ўрмончилик ва кўкаламзорлаштиришга доир тадбирлар ҳам молиялаштирилди. Бундан ташқари, катта маблағлар 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни давлат томонидан мониторинг қилиш дастурини, шунингдек, 2013 — 2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитини муҳофаза қилишга доир ҳаракатлар дастурини рўёбга чиқаришга йўналтирилди. Ушбу дастурларнинг асосий мақсадлари мамлакатимиз минтақаларининг экологик ҳолатини яхшилаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини камайтириш имконини берувчи самарали тозалаш иншоотларини жорий этиш, чиқинди тўпламайдиган ва оз миқдорда чиқинди ҳосил қиладиган технологиялардан фойдаланишдан иборатдир.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**

ЭҲТИРОМ

*Шу йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида XVII Осиё ўйинларида қатнашадиган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари анъанага мувофиқ мамлакатимиз Бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйишди.*



# Она юрт шаънини улуғлаш

## нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчиларнинг энг юксак мақсадидир

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли иқтидорли ўғил-қизларимиз кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда. Кейинги йилларда жаҳон, қитъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпиада ўйинларида ғолибликни қўлга киритаётган спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Айтиш жоизки, навбатдаги Осиё ўйинларига ўзбекистонлик спортчилар пухта ҳозирлик кўриши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилди. Бунда Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Мазкур ҳужжат халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқларимиз салмоғини янада ошириш ҳамда мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди.



Ўзбекистонлик спортчилар 1994 йилдан буён Осиё ўйинларида қатнашиб келмоқда. Эътиборли жиҳати, шунга мос равишда атлетларимизнинг натижалари ҳам яхшиланиб бораётир. Хусусан, 2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза — жами 56 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли ўнликдан жой олган эди.

XVII Осиё ўйинларида 300 нафарга яқин ҳамюртимиз 32 спорт тури бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб боришади.

— Осиё ўйинларида истеъдодимиз ва маҳоратимизни кўрсатишга астойдил ҳаракат қиламиз, — дейди камондан ўқ отиш бўйича терма жамоамиз бош мураббийи Гулнора Арипова. — Турли мусобақаларда қатнашиб, тажриба тўпладик. Бугун юртимизнинг Бош майдонида туриб, ўзимизга сўз бердик. Биз, шубҳасиз, Ватанимизга ғалаба билан қайтамиз.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ўзаро алоқалар ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, жорий йилнинг олти ойида қўмита ва унинг ҳудудий органларига аҳоли томонидан жами 2021 ариза ва шикоят келиб тушган бўлса, уларнинг изчил ўрганилиши натижасида истеъмолчилар фойдасига 554,5 миллион сўмлик маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди. 366,4 миллион сўмга тенг бўлган 335 та ҳолатда эса истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши аниқланиб, 17,7 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муносабатларнинг ўзгаришига қараб мавжуд қонунчилик меъёрлари ҳам доимий янгиланиб турибди. Бу эса, ўз навбатида, халқаро ҳуқуқ иштирокчилари билан ўзаро фикр алмашиш, алоқаларни янада мустаҳкамлашни тақозо этади. Шу боис қўмита мутасаддилари кейинги йилларда мазкур йўналишдаги ишларни кенгайтиришни мақсад қилишган. 2013 йилнинг декабрь ойида Корея Республикаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўртасида имзоланган ўзаро ҳамфикрлик Меморандуми ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

— Биламизки, бугунги кунда Ўзбекистон нуфузи халқаро миқёсда тобора ортиб бораётган, барқарор ривожланаётган мамлакатлар сирасига киради, — дейди Корея Республикаси истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги президенти Дае Пё Жунг. — Бундай юксалиш эса кўп жиҳатдан ушбу заминда истиқомат қилаётган аҳоли, аниқроғи, истеъмолчиларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишларига ҳам боғлиқ. Айтиш керакки, юртингиз бу борада анча илғор. Ушбу Меморандум эса икки мамлакат истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шарт-шароит яратишга кўмаклашиш, мавжуд муаммоларни биргаликда кўриб чиқиш ва ҳал этиш, маълумот алмашиш орқали соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаяпти.

Учрашув асносида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Корея Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўртасида имзоланган ўзаро ҳамфикрлик Меморандуми доирасидаги бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Ал-Хоразмий илмий асарлари жаҳон олимлари эътиборида

*Самарқанд шаҳрида “Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари — Ал-Хоразмий — 2014” IV халқаро илмий конференцияси бўлиб ўтди.*

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли анжуманда йигирмага яқин мамлакатдан тадқиқотчи олимлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда илм-фан соҳасида халқаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ҳамда ўзбек олимлари замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш борасида юксак муваффақиятларга эришаётганини алоҳида таъкидладилар.

— Аниқ фанлар асосчиларидан бири сифатида эътироф этилган ал-Хоразмий асарлари дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди Жанубий кореялик профессор Ли Чул Су. — Унинг аниқ назарияга асосланган ҳисоб-китоблари бугунги замонавий технологиялар ривожида муҳим ўринга эга. Мазкур халқаро конференция буюк аждодингиз илмий меросини янада чуқурроқ ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# САЙЛОВЛАРНИНГ ОЧИҚЛИГИ, ОШКОРАЛИГИ ВА ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Қонун бу борада алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат Марказий сайлов комиссиясининг конституциявий мақомини, унинг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига асосланган фаолиятини мустаҳкамлаш имконини берди. Асосий Қонунимизга киритилган тузатишлардан келиб чиққан ҳолда, сайлов тизимини янада демократлаштиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва Бюджет кодексига ҳам ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бўлажак сайловларни умумэътироф этилган демократик принциплар, «Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қабул қилинган Қонунга мувофиқ ўтказиш мамлакатимизда сайлов тизимини изчил демократлаштиришда муҳим омил бўлади.

Конференцияда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, хусусан, сиёсий плюрализм ва кўппартиявийликни ривожлантириш, парламентнинг вакиллик демократияси тизимида сиёсий партияларнинг ролини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистонда партиялар тегишли қонунчилик базасига таянган ҳолда жамиятимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айланаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистон турли даражадаги сайловларни ўтказиш борасида катта тажрибага эга, — деди **Европа геосиёсат академияси аъзоси, Сорбонна университети ҳузуридаги институт директорининг ўринбосари, профессор Жан Антуан Дюпра (Франция).** — Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мамлакатингизда демократик ва очиқ сайловларни, сиёсий партиялар ўртасида ҳалол рақобатни таъминлашга йўналтирилган самарали меъёрий-ҳуқуқий база мавжуд. Конституцияга киритилган тузатишлар миллий сайлов тизимини демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сайловлар ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатлар фаол иштирок этишининг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинган ва умумэътироф этилган шаклидир. Тадбир иштирокчилари шундан келиб чиққан ҳолда, бўлажак парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг асосий принципларини атрофлича муҳокама қилди. Улар фуқароларнинг эркин сайлаш ва хоҳиш билдириш, Ўзбекистонда миллий давлатчилик моделининг асосини ташкил қиладиган давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳамда сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

— Сайлов жараёнида, аввало, транспарентлик ва ошкоралик ниҳоятда муҳимдир, — деди **Миллий демократия институтининг Ўзбекистондаги филиали директори Эрика Брэт (АҚШ).** — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчи навбатда, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда очиқлик, ошкоралик ва қонунийликка риоя қилишни таъминлашга қаратилган. Ишончим комилки, бу ўзгартишлар бўлажак сайловларда ўз ифодасини тўла топади, сайлов жараёнининг барча босқичларида ошкоралик ва адолатлиликни таъминлайди.

Жорий йилги сайловлар мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш мақсадини белгилаб берган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида ўтказилади. Ушбу муҳим жараёнлар Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йил май ойида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбирлари дастурида ўз ифодасини топган. Унда замонавий демократик талаблар инобатга олинган ҳолда, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга оид муҳим талаб, мақсад ва вазифалар белгиланган. Хусусан, сайловчиларга сайлов қонунчилиги қоидаларини кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, ишбилармонлик ва маънавий фазилатлари билан таништириш, сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш ҳақида сайловчилар хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шароит яратиш кўзда тутилган.

— Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини демократлаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда ва бўлажак сайловларни очиқ-ошкора ўтказиш учун барча зарур ташкилий шароитлар яратилган, — деди **Бутунжаҳон сайлов органлари уюшмаси Котибиятининг лойиҳалар бўйича менежери Ли Жухван.** — Бизнинг уюшма Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди ва юксак қадрлайди. Марказий сайлов комиссиясига конституциявий орган мақомининг берилиши сайловларда қонунийлик, ошкоралик ва адолатлиликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Зеро, очиқлик, ошкоралик ва қонунийлик ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича асосий ташкилотчи экани ҳам муҳимдир. Сайлов жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аралашишга ҳақи йўқлиги таъкидланди. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига ҳам имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмайди.

— Конституцияга киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистоннинг янада демократик янгиланишлар ва ислоҳотлар ўтказишдаги собитқадамлигини кўрсатади. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистонда аввал амалга оширилган ислоҳотлар натижаларидан самарали фойдаланмоқда, — деди **Мадрид автоном университети профессори Хесус Хил Фуэнсента (Испания).** — Сиёсий партиялар ва номзодларга сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имконият берилгани, ҳар бир партиянинг ўз сайловолди дастурини эълон қилиши учун тенг шароит яратилгани, фуқароларга эса эркин сайлаш ҳуқуқи тақдим этилгани ғоят ижобий ҳолат. Бу жамиятда осойишталик муҳитини барқарор сақлашга хизмат қилади, мамлакатда демократиянинг ривожлангани ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланганидан далолат беради.

Конференцияда демократик сайловларни таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро конференция доирасида Марказий сайлов комиссиясининг янги сайти тақдим этилди. Унда сайловлар ҳақидаги барча ахборотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилади. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, сайловлар жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари таъминланишининг муҳим кафолатларидан биридир. Сайловолди кампаниясида оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланади. Негаки, улар сайловчиларни хабардор қиладиган манба ва айни пайтда жамоатчилик назорати воситаси бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари бу борада катта тажрибага эга. Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа тузилмалар ўртасида журналистлар малакасини оширишга қаратилган ҳамкорлик ривожланмоқда. Шу мақсадда биргаликда семинар, тренинг, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари мамлакатимизда истиқлол йилларида сайлов қонунчилигини янада эркинлаштириш ва такомиллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бўлажак сайловларни демократик талаблар ҳамда умумэътироф этилган халқаро стандартларга қатъий амал қилган ҳолда юксак савияда ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади, деган якдил хулосага келди.

Конференцияда сайлов кампаниясининг ошкоралиги, очиқлиги ва транспарентлигини таъминлашнинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам фикр алмашилди.

Хорижлик экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича тажриба алмашишга доимий тарзда алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айни пайтда мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича Ўзбекистонда ташкил этиладиган тадбирларда фаол иштирок этишини билдирдилар.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА махсус мухбири.**



Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда X Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтади.

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК

## хорижий сармоядорларнинг иқтисодиётимизга қизиқишини тобора оширмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёзлар янги-янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида замонавий ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини бугунги кун талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти.

Вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, бунинг учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида ҳар йили ҳудудий ҳамда саноат салоҳиятини ошириш дастурлари ишлаб чиқилади. 2014 йил учун мўлжалланган шундай дастурлар доирасида январь — август ойларида жалб қилинган инвестициялар ҳажми белгиланган прогнозга нисбатан 120,7 фоизни ташкил этди. Сармоялар, асосан, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, мева-сабзавотни қайта ишлаш каби иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларига йўналтирилгани эътиборга моликдир.

— Ўзбекистонимизда ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, қулай инвестициявий иқлимни яратиш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини тубдан яхшилашга алоҳида устуворлик қаратилмоқда, — дейди Тошлоқ туманидаги “Палмапласт” қўшма корхонаси раҳбари Тоҳиржон Собиров. — Айниқса, тадбиркорларга кўпроқ эркинлик берилиб, талаб қилинадиган лицензия ва рухсатнома бериш тартиб-таомиллари соддалаштирилгани, айримлари бекор қилингани юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширди. Бу, ўз навбатида, инвестициялар оқимини кўпайтириш, чет эллик сармоядорлар билан бирга янги ишлаб чиқариш субъектларини фойдаланишга топшириш имкониятларини кенгайтираяпти.

Чиндан ҳам, қулай инвестициявий иқлим туфайли мустақиллигимизнинг илк даврида вилоятда атиги 2 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, хорижий давлатлар ишбилармонлари иштирокидаги 123 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг саккиз ойида улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, кўрсатилган савдо ва хизматлар ҳажми 647,8 миллиард сўмликни ташкил этиб, 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 27,5 фоиз, 1991 йилдагига нисбатан эса 140 марта ўсди. Бунда вилоятдаги “Фарғона —Турон-текстиль”, Бувайда туманидаги “Лосгигантес”, Тошлоқ туманидаги “Plastik shop” каби қўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлди.

Шу билан бирга, вилоят бўйича жами экспортнинг 38,4 фоизи хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бошқача айтганда, бу борадаги ўсиш суръати 120,7 фоизга тенг.

Юртимизда тадбиркорлар учун яратилаётган бундай қулай шарт-шароитлар хорижий ҳамкорларни ҳам фаолиятини Ўзбекистон билан боғлашга ундамоқда. Натижада янги-янги қувватларга асос солиниб, улар мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, ҳудудлар саноат салоҳиятини ошириш, экспорт ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилаётир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

**илмий тадқиқот муассасалари тасарруфидаги катта илмий ходимлар-изланувчилар институтларига ва мустақил изланувчиликка 2015 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:**

- физика-математика ва техника фанлари;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумот ва талаблар билан Фанлар академияси илмий тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 декабрдан 20 декабргача ўтказилади.

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширади:**

- Ўзбекистон тарихи;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);
- мутахассислик.

Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод этилади.

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:**

- камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиши;
- муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журнал ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида келажак тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган иккита тезисга эга бўлиши;
- хорижий тилни магистратура битирувчиси даражасида билиши;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Қўшимча маълумотларни www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 233-59-46, 236-77-07.**

1367A/721

---

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

## «АСАКА» БАНКИ

**Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 1473-сон билан 2009 йил 30 мартда рўйхатга олинган «Berteks» масъулияти чекланган жамияти муассиси йиғилишининг 2014 йил 10 сентябрдаги 1/2014-сонли қарорига асосан тугатилганлигини маълум қилади.**

**Манзил:**
**Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Кат кўчаси, 3-«А» уй, СТИР: 301120214.**

**Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Муқимий 1-тор кўчаси, 9-уй, «Асака» банки.**
**Маълумот учун телефон: (8-371) 120-39-68.**

1472A/32

---

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Тошкент минтақавий филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2014 йил 8 августдаги 10-1412/10885-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Qora-Qamish Dehqon Bozori» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 21-уйда жойлашган бозор мажмуасининг бир қисми, яъни «А»-блок — шийпон иншооти 1768,0 кв.м., пойдевори бетон, томи шифер, девор тўсиқлари металл бўлган ҳамда «Б»-блок — бир қаватли маъмурий бино 194,0 кв.м., пойдевори бетон, томи шифер, ғиштдан қурилган кўчмас мулк қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 17 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 15 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Тел./факс: (8-371) 228-78-96.**
**www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1475R/1453

---

## «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 16 августдаги 158-сонида чоп этилган хабарнома билан аукцион савдосига қўйилган елимлаш қурилмаси (аппретурное оборудование) — 1 дона, нотўқима материал ишлаб чиқариш қурилмаси — 1 дона, крадинг титиш машинаси (чесальная машина крадинг) — 2 дона, титиш дастгоҳи (чесальный станок) — 1 дона, мажмуавий (комплексный) титиш дастгоҳи — 1 дона, қирқиш дастгоҳи (резальный станок) — 1 дона, игна уриш дастгоҳи (иглопробивной станок) — 2 дона, нотўқима гилам линияси (нетканная ковровая линия) — 1 донадан иборат ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва қурилмалари бўйича аукцион савдоси тўхтатилганлигини маълум қилади.

***Савдони тўхтатишга асос:*** Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 11 сентябрдаги 6751-сонли хати.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1477R/1452

---

***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!***

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 7, 9, 14 ва 16 октябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қайта қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «Andijon charm» МЧЖ | Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, Оқтепа қишлоғи | Йирик ва майда шохли мол терисини қайта ишлаш ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 6 003 004 740,0 | 2 943 226,49 |
| 2. | «Sogdiana pipeplast» МЧЖ | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри,Тошкент кўчаси, 1-уй | Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш | 3 145 245 000,0 | 1 542 089,14 |
| 3. | «Gazalkent stone» МЧЖ | Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Завод кўчаси, 1-уй | Гранит ва мармар плиталар ишлаб чиқариш | 5 790 000 000,0 | 2 838 791,92 |
| 4. | «Xumo to'qimachi» МЧЖ | Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Наврўз шоҳкўчаси, 2-уй | Калава ип ишлаб чиқариш | 10 454 271 000,0 | 4 747 194,17 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо объекти хўжалик жамияти фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Аукцион савдосида сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунгача объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 7 йилдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— **юридик шахслар учун** — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— **жисмоний шахслар учун** — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш учун талабгорлар аукционга қўйилаётган «Andijon charm» МЧЖ, «Sogdiana pipeplast» МЧЖ, «Gazalkent stone» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги ҳамда «Xumo to'qimachi» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг уч фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (8-371) 233-02-49.
Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

«Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖ буюртмасига асосан, газетанинг 2014 йил 6 сентябрдаги 173-сонида чоп этилган эълон матнидаги савдо вақти соат 15.00 дан 11.00 га ўзгартирилганлигини маълум қиламиз.

*Гувоҳнома № 005357.*

1481R/40

---

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдоларига «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси 58 340 000 сўм бўлган «Полип» русумли болалар кўнгилочар ўйингоҳи (аттракцион) ҳамда Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 23 декабрдаги 11-1330/13912-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган, тугатилаётган «Йўлчибоева Зилола» фермер хўжалиги балансидаги, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 67-09ЕМ, бошланғич баҳоси 7 320 208 сўм бўлган «ВТ-150 ДЕ» русумли трактор қўйилади.

«Ўзэкспомарказ» ОАЖ МККнинг «Полип» русумли болалар кўнгилочар ўйингоҳи бўйича такрорий аукцион савдолари 2014 йил 2, 9, 16, 23 ва 30 октябрь кунлари ўтказилади.

Тугатилаётган «Йўлчибоева Зилола» фермер хўжалигининг трактори бўйича аукцион савдоси 2014 йил 23 октябрь куни ўтказилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун бошланғич баҳонинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Аукцион савдоси ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунгача тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Ушбу аттракцион ҳамда трактор техникаси билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар қуйида кўрсатиб ўтилган манзил ва алоқа воситалари бўйича мурожаат қилишлари мумкин.

**Сотувчи:** «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 107-уй.
Телефон: (8-371) 234-45-45.
Тел./факс: (8-371) 234-54-40.

**Сотувчи:** Тугатилаётган «Йўлчибоева Зилола» ФХ, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Истиқлол» ҚФЙ.
Телефонлар: (+99 891) 164-77-03, (+99 895) 194-78-03.

**Савдо ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (8-371) 233-02-49.
Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

1476R/40

---

«OHAUS» тарозилари

Ишончли

Аниқ



Кенг танлов

www.fortek.uz

Маҳсулот сертификатланган.

FORTEK

«OHAUS» компаниясининг расмий дистрибьютори

Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.
Факс: (+998 71) 267-71-90.

e-mail: office@fortek.uz
web: www.fortek.uz

1486R/751

---

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ва жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор

**Раҳматжон ТУРСУНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02



Асака шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи кенг кўламли реконструкция ишларидан сўнг бутунлай янги қиёфа касб этди. Бунёдкорлик ишларига салкам 5,5 миллиард сўм сарфланди.

## ВЕЛОМАРАФОН

Пойтахтимизда “Шаҳримизни биргаликда обод этайлик!” шиори остида анъанавий веломарафон бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон экологик ҳаракати ва ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида ташкил этилди.

# «Шаҳримизни биргаликда обод этайлик!»

Тадбирни ўтказишдан мақсад кенг жамоатчилик эътиборини атроф-муҳит муҳофазасига жалб қилиш, экологик хавфсиз транспорт воситаларини оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга қаратилган.

“Салор” темир йўл станциясидан бошланган мусобақа Тошкент Ботаника боғида якунига етди. Шу ерда уюштирилган тадбирнинг тантанали қисмида депутатлар, Экоҳаракат ва унинг “Ёшлар қаноти” фаоллари, хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, вазирлик ва идоралар мутахассислари, ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б. Алихонов, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Д. Сабо ва бошқалар велосипед атроф-муҳит учун зарарсиз, моддий тарафдан қулай, жуда фойдали транспорт воситаси ҳисобланиб, ундан фойдаланган инсон доимо соғлом, руҳи тетик бўлишини алоҳида таъкидлади.

Веломарафон якунида Ботаника боғида таниқли хонандалар иштирокида концерт дастури ташкил этилди. Унинг доирасида пойтахт вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий муассасаларга ташкилотчилар томонидан велосипедлар совға қилинди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# Тарих ва бебаҳо мерос

*Ёшларимизни ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аждодларимиз мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялашда музейларнинг алоҳида ўрни бор. Айтиш жоизки, бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган қатор музейлар ана шундай эзгу мақсад йўлида хизмат қилмоқда.*

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Ўзбекистон тарихи давлат музейи минтақамиздаги энг йирик маънавият ва маърифат масканларидан бири. Унинг захирасида 300 мингдан ортиқ бебаҳо осориатиқалар, археология, нумизматика, этнография, тасвирий санъат, ҳужжатлар, фотонегативлар мавжуд бўлиб, улар замонавий шарт-шароитда сақланмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида музейда тарихий ҳақиқатларни қарор топтириш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 150 дан ортиқ тарихий, илмий асарлар, монографиялар қайтадан нашр этилди. “Темурийлар сулоласининг тангалари”, “Ўзбекистоннинг XVIII — XX асрлардаги металл ва сопол буюмлари каталоги”, “Ўзбек миллий кийимлари”, “Ўзбеклар: маиший ва маданий ҳаёт”, “XIX — XX асрларда Ўзбекистон дўппилари”, “Амир Темур ва темурийлар давлати молиявий сиёсати ва пул муносабати”, “Кўҳна олам сирлари”, “Музей предметлари атрибуцияси ва экспертизаси” каби китоблар ана шулар жумласидандир.

Шу кунларда эса музей экспонатлари асосида тўрт тилда (ўзбек, рус, инглиз, япон) “Ўзбекистон маданий ёдгорликлари хазинаси” номли каталогни китоб ҳолида чоп этиш устида изланишлар олиб борилаяпти.

Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозиция заллари қайта янгилангандан кейин ташриф буюрувчилар сони кескин ошди. Нафақат мамлакатимиз, шу билан бирга, хориждан ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам масканимиздаги тарихий асарларни катта қизиқиш ва ҳаяжон билан томоша қилаяптилар. Кейинги йилларда АҚШ, Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Латвия, Франция, Германия, Япония каби давлатлардан ташриф буюраётган санъат ихлосмандлари сони, айниқса, кўпаймоқда. Улар экспонатларни кўздан кечирар экан, ҳар сафар халқимизнинг бой тарихи, унинг дунё цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини юқори баҳолайдилар.

Шу ўринда музейимизнинг Япония фонди билан ҳамкорликда 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталсак. “Ўзбекистонда инсон ресурслари ва маданий мерос муҳофазаси” мавзуидаги илмий-амалий тренингда япониялик соҳа мутахассислари юртимиз археолог, реставратор ва музейшунослари билан ўзаро фикр алмашадилар, музей экспозициясида сақланаётган ашёларни асраб-авайлаш устида изланишлар олиб борадилар.

Чунончи, музей археологлари Токио университети музейи ходимлари билан биргаликда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чироқчи туманлари ва Навоий вилоятининг Нурота тумани ҳудудидаги ўрта тош даври ёдгорликларини ўрганиб келмоқдалар. Ана шундай изланишлар натижасида экспедиция аъзолари Нурота вилоятининг Пашшоп қишлоғи ёнидаги булоқ атрофидан ҳам мустье даврига тегишли тош қуролларни топишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, Китоб туманининг Аёқчисой қишлоғи ёнидаги Ангалак ғорида тош даврига оид қадимги маданий қатламлар ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли топилди. Бундан ташқари, Селунғур (мил. авв. 1,5 млн. йил), Тешиктош ва Обираҳмат ғорларидан топилган қадимги одам қолдиқлари, Фарғона водийсидан топилган икки бошли илон шаклидаги тош тумор (мил. авв. II минг йиллик), Фаёзтепа ибодатхонаси деворий суратлари (I-III асрлар), Обурдон қишлоғидан келтирилган X асрга оид нақшинкор ўйма устун каби жаҳонга машҳур осориатиқалар музей экспозициясидан муносиб ўрин эгаллаган.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Музейимизга ташриф буюрганларни нумизматика фонди коллекциялари бефарқ қолдирмайди. Чунки бу ерда мил. авв. V асрдан — XIX асргача зарб қилинган ноёб тангалар сақланади. Улар орасида Аҳамонийлар, Юнон-Бақтрия, Кушон, Хоразм, Сўғд ва Чочда зарб қилинган тангалар алоҳида диққатга сазовор. Унда ўрта асрларда ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар, Сомонийлар, Қорахонийлар, Чингизийлар, Темурийларга мансуб сулолалар томонидан муомалага киритилган тангалар намойиш этилган.

Этнографияга оид ёдгорликларни катта маданий-тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ҳамда ҳунармандликка доир буюмлар ташкил этади.

Музей қошида тузилган “Мўъжизалар оламида” болалар музейи ҳам доим жажжи санъатсеварлар билан гавжум. Унда болаларбоп ноанъанавий дастур ҳамда кўргазмалар уюштирилади. Бу эса ўғил-қизларнинг тарихга оид билимлари юксалишига кўмаклашади.

Болалар музейнинг “Археология” бўлимида Кампиртепа ёдгорлиги тасвири билан уйғунлаштирилган қазилма майдончасида қазиш ишларини олиб боришлари, “Нумизматика” бўлимида эса тангаларни зарб қилиш тарихи билан танишишлари, уларнинг аҳамиятли жиҳатларини ўрганишлари мумкин. “Кулоллик” бўлимидаги миллий сопол буюмлари аждодларимизнинг қўли гул ҳунарманд эканлигидан далолат берса, “Каштачилик”, “Тасвирий санъат” бўлимларида болалар дўппидўзлик, расм ва миниатюра чизишни ўрганадилар.

Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган ўлмас маданиятимиз ва санъатимизни ўзида жо этган нодир экспонатлар ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, улуғ аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

**Отабек ОРИФЖОНОВ,**
**Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори ўринбосари.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2014 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРДАН 12 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014 йил 11 августдаги 85-мҳ-сонли қарори.*

**2014 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1323-4 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

2. «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битишувларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2014 йил 29 августдаги 2014-26-сонли буйруғи.*

**2014 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-6 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

3. «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 9 августдаги 25/4-сонли қарори.*

**2014 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-4 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

4. «Таълим муассасалари, корхоналар, турар жой даҳаларининг асосий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва (ёки) спорт иншоотлари билан энг кам таъминланиш нормативларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2014 йил 14 августдаги 3-сонли буйруғи.*

**2014 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2614 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

5. «Хусусийлаштириш инвестиция фонди намунавий эмиссия рисоласи, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази, Молия вазирлигининг 2014 йил 9 сентябрдаги 2014-27, 62-сонли қарори.*

**2014 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 644-2 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

6. «Архивлар ва идоравий архивлар томонидан пулли асосда кўрсатиладиган хизматлар номенклатурасини тузиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлиги бош директорининг 2014 йил 25 августдаги 62-сон буйруғи.*

**2014 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2615 (2014 йил 15 сентябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Хусусийлаштириш инвестиция фонди намунавий эмиссия рисоласи», 1-сон ўзгартиришлар *(рўйхат рақами 644, 1999 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 644-1, 2009 йил 31 март). Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2014 йил 11 сентябрдаги 236-мҳ-сонли буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●


# АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**қуйидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий ходим-изланувчиларни институтга бюджет асосида ўқишга қабул қилиш тўғрисида эълон қилади.**

| Т/р | Ихтисослик шифри | Ихтисослик номи | Ўрин сони |
|---|---|---|---|
| | | **03.00.00 - Биология фанлари** | |
| 1. | 03.00.04 | Микробиология ва вирусология | 1 |
| | | **14.00.00 - Тиббиёт фанлари** | |
| 1. | 14.00.02 | Морфология | 1 |
| 2. | 14.00.05 | Ички касалликлар | 1 |
| 3. | 14.00.09 | Педиатрия | 1 |
| 4. | 14.00.15 | Патологик анатомия | 1 |
| 5. | 14.00.21 | Стоматология | 3 |
| 6. | 14.00.27 | Хирургия | 1 |
| 7. | 14.00.28 | Нейрохирургия | 1 |
| 8. | 14.00.29 | Гематология | 1 |
| | | **Жами** | **11** |

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига катта илмий ходим-изланувчилар сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:
- камида икки йиллик илмий ёки илмий-педагогик иш стажига эга бўлиши;
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломига ёки унга тенг бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати олий таълим муассасалари дипломига ёхуд фан номзоди илмий даражасига ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиши;
- илмий изланишлар ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиш лаёқатига эга бўлиши;
- муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журнал ва нашрларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламларида, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган иккита тезисга эга бўлиши;
- хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиши;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Олий ўқув юртларидан кейинги таълим институтига қабул қилинадиган бакалавр, магистр ва фан номзоди ихтисослиги йўналиши олий ўқув юртидан кейинги таълим ихтисослигига мансуб бўлган фан соҳасига мувофиқ бўлиши керак. Ихтисосликлар мувофиқ бўлмаганда ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни фаннинг турдош соҳаларида олиш режалаштирилган ҳолларда талабгорлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда қўшимча имтиҳонлар топшириши керак.

***Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***

Катта илмий ходим-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар олий таълим муассасаси ва илмий тадқиқот муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— ариза;
— маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси ёки Миллий хавфсизлик хизмати таълим муассасасининг магистратура дипломига тенглаштирилган дипломи ёхуд фан номзоди дипломи ёки магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— илмий журнал ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхаси;
— талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
— етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги. Бунда тавсия этилган мавзулар Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг интернет-саҳифасида эълон қилинган бўлиши шарт.

Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил бўйича) ва мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

Фаннинг тегишли йўналиши бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан озод қилинади.

***Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.***

**Мурожаат учун манзил:**
**Андижон шаҳри, Отабеков кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: (8-374) 237-06-45.**

1478R/739



VEGA Certification

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини автоматлаштириш

VEGA
ERP система



Талабномадан сертификатни нашр этгунча автоматлаштириш

Ҳисоботлар
Вақтни тежаш
МТҲ билан тез ишлаш

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65.
Факс: (+998 71) 267-71-90.
e-mail: info@vega.uz
web: www.vega.uz

1487R/751



амкодор

# ИП ООО «AMKODOR-TASHKENT»

**официальный дистрибьютор холдинга «АМКОДОР» в Республике Узбекистан**

погрузчики фронтальные и универсальные
погрузчики с бортовым поворотом, ямобуры
автогрейдеры и землевозы
катки самоходные вибрационные



**БЕЛОРУССКАЯ ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНАЯ, СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ, КОММУНАЛЬНАЯ И СПЕЦИАЛЬНАЯ ТЕХНИКА**

экскаваторы-погрузчики
экскаваторы
машины фрезерные, траншеекопатели
вилочные авто- и электропогрузчики



Товар сертифицирован

**Тел./факс: (8-371) 283-42-18, 283-42-17, моб. (+998 94) 669-29-71.**
**Республика Узбекистан, 100005, г. Ташкент, ул. 8 Марта, 57, e-mail: ajle@mail.ru, www.amkodor.by**

380R/199




Тошкент шаҳрида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида “Камолот-тур” VII ёшлар веломарафонининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5